

«Исломни фалончи билан азиз қил» дейиш хатоми?



11:10 / 24.02.2024 2145

Бир одам «Аллоҳ, исломни фалончи билан азиз қил!» дебди. Шунга бошқалар «Ислом ўзи азиз эмасми!?» деб унга «раддия» ва ҳақоратлар ёғдиришмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Термизий, Имом Аҳмад ва бошқалар ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда «Эй Аллоҳ, икки Умардан бири билан Исломни азиз қил» дедилар.

Икки Умардан мақсад Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ва Абу Жаҳл.

Аллоҳ таоло ушбу дуони қабул айлаб, Умар розияллоҳу анҳуни иймонга ҳидоят қилди ва у зотнинг қўлларида чиндан ҳам Ислом кўп нусратларга эришиб, дунёнинг энг катта империяларини фатҳ этди.

Шундай экан, Аллоҳдан фалончи билан Исломни азиз қил, деб сўраш хато бўлмайди.

Бу гап билан Ислом азиз эмас, деб тушунилмайди. Ундай тушунилганда ҳақдан бошқасини сўзламайдиган ҳабибимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайхи васаллам бундай дуо қилмаган бўлардилар.

Ақлимиз етмаган, бизга бегона кўринган ҳар бир нарсани инкор қиласкермайлик, яхшилар. Акс ҳолда, ўзимиз билмаган ҳолда Аллоҳга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламга раддия бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Ишни эгаларига қолдирайлик.

Аллоҳ таоло иймонимизни саломат қилсин!

Маҳмуд Усмон

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли
хуносаси асосида тайёрланди.*